



ҲОКИМИНИНГ
ҚАРОРИ

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА

АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

170131, Андижон шаҳри,
Абдурауф Фитрат номли кўча, 239.

170131, г. Андижан, ул. им. Абдурауфа
Фитрата, 239.

Тел.: 8 (374) 222-15-36, Факс: 222-14-18, [http://www, andijan.uz](http://www.andijan.uz), e-mail: umumiy (a) andijan.uz

01.12.16ч № 438-қ

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 22 ноябрдаги
390-сонли қарори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 ноябрдаги “2016-2017 йиллар куз-қиш мавсумида аҳоли эҳтиёжи учун импорт кўмир ёқилғиси сотиб олиш тўғрисида”ги 390-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2016-2017 йиллар куз-қиш мавсумида аҳолини узлуксиз импорт кўмир ёқилғиси билан таъминлаш тўғрисида”ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

-2016 йиллар куз-қиш мавсумида аҳолига импорт кўмир ёқилғисини етказиб берилишини инobatга олиб, 200 минг тонна миқдорда импорт кўмирни тендер савдоларини ўтказмасдан, энг яхши таклифни танлаб олиб, шартнома тузиш бўйича “Ўзбеккўмир” АЖнинг таклифи маъқуланганлиги;

-ушбу қарорнинг 1-бандида белгиланган аҳоли эҳтиёжи учун сотиб олинadиган импорт кўмирни Ўзбекистон Республикасига олиб келиш, бўш вагонларни юбориш, импорт кўмирни тушириш ва бошқа темир йўл ҳаражатларга 2017 йил 1 мартгача “Ўзбеккўмир” АЖга истисно тариқасида тариф ставкасининг 50 фоиз миқдорида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ чегирма берилганлиги;

-“Ўзбеккўмир” АЖга ҳудудий дистрибьюторлик маркази ва унинг филиали орқали белгиланган миқдорда аҳолига чакана савдода сотилаётган кўмир ёқилғисини 1 тоннаси 250 минг сўм этиб белгиланганлиги;

-шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда “Маҳалла” ҳайрия жамоат фондлари шаҳар ва туман бўлимлари 10 кун муддат ичида аҳолини кўмирга бўлган эҳиёжни инобатга олган ҳолда белгиланган тартиб асосида ҳудудлар ва маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида тақсимотлари ва етказиб бериш графикларини тасдиқлаш;

-ҳудудий дистрибьюторлик марказлари томонидан аҳолига манзилли ҳар бир маҳалла фуқаролари йиғинларига кўмирни етказиб бериш;

-“Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди, “Нуроний” жамғармаси, “Камолот” ЁИҲ аҳолига етказиб берилаётган кўмир ёқилғисини маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан берилган тақсимот ва реестрлар асосида сотилиши бўйича белгиланган тартибда жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

-тузилган шартнома асосида “Ўзбеккўмир” АЖ томонидан берилган талабномаси бўйича чет эл валютасини конвертация қилиш ишлари белгиланган тартибда Марказий банк томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. “Андижон кўмир етказувчи” УК (А.Мамажонов), Марказийбанк вилоят бош бошқармаси (Б.Бердиев) билан биргаликда ушбу қарорда белгиланган топшириқлардан келиб чиққан ҳолда иш ташкил этиш вазифаси юклатилсин.

4. Ушбу қарор ижросини таъминлаш вилоят ҳокимининг ўринбосари Ш.Шералиев зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Ш.Абдурахмонов